

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**НАРШАБАЕВА АЛИЯ ЮМУТБАЕВНА**

**БИЛИНГВИСТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА  
ТОЛЕРАНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Наршабаева Алия Юмутбаевна**

Билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни  
ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш..... 3

**Наршабаева Алия Юмутбаевна**

Совершенствование педагогического механизма развития толерантности  
у студентов на основе билингвистического подхода..... 25

**Narshabaeva Aliya Yumutbayevna**

Improving the pedagogical mechanism of developing tolerance in students  
based on the bilingual approach..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**НАРШАБАЕВА АЛИЯ ЮМУТБАЕВНА**

**БИЛИНГВИСТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА  
ТОЛЕРАНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Ped3403 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Курбаниязова Замира Калбаевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Юзликаев Фарит Рафаилович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Бердимуратов Даулетнияз Утениязович**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «12» 2 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz).

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 20 22 йил «30» XII куни тарқатилди.  
(20 22 йил «30» XII да 52 рақамли реестр баённомаси).



**Б.П. Отемуратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

**Г.Е. Карлыбаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д., профессор

**Т.Т. Утебаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қопсидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тизимининг халқаролашуви ва интеграциялашуви талабаларда маданиятлараро, миллатлараро ҳамда этник толерантликни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Айниқса, академик мобилликни таъминлашга йўналтирилган кредит-модул тизимининг жорий этилиши толерантликнинг лингвомаданий жиҳатларини бевосита ҳисобга олиш, ахборотларнинг глобаллашуви шароитида бадиий билингвизмнинг психоллингвистик ўзига хосликларини аниқлаштириш, маданий турфа хиллик асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясида диний бағрикенглик, миллатлараро толерантлик, ўзга миллат вакилларига ҳурмат ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик каби ҳаётий кўникмаларни таълим-тарбия орқали ривожлантириш зарурлиги белгилаб берилган.

Дунёда олий таълим жараёнида талабаларда толерант тафаккурни ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, маданий-инсонпарвар ёндашув асосида таълим олувчиларда нутқий толерантликни ривожлантириш, маданий турфа хилликка асосланган ўқитиш шароитида толерантликни тарбиялашнинг этнопедагогик механизмларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Олий таълим тизимига компетенциявий ёндашувга асосланган ўқитиш моделларининг кенг жорий этилиши асосида талабаларнинг самарали ҳамкорликдаги фаолиятини кенгайтириш, педагогик фасилитация асосида толерантликни ривожлантиришнинг рефлексив технологияларини такомиллаштириш, маданий диалог концепциясига устуворлик бериш асосида таълим олувчиларда конфликтологик компетенцияни шакллантириш муҳим долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда ёшларда толерантликни шакллантиришда ахлоқий кадриятлар уйғунлиги, тотувлик маданиятини тарбиялаш, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида янгича маънавий дунёқарашни ривожлантиришнинг таъсирчан усулларини ишлаб чиқиш, соғлом маънавий муҳитни таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Учинчи Ренессанс пойдевори барпо этишнинг устувор йўналиши сифатида “Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш”<sup>1</sup> белгилаб берилган. Бу эса, билингвал таълим муҳити шароитида талабаларда толерантликни ривожлантириш мазмунини ёритиб бериш, толерантликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги 60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

такомиллаштириш, мазкур жараён самарадорлигини оширишга қаратилган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда толерантлик, миллатлараро тотувлик ва диний толерантликнинг фалсафий, ҳуқуқий, социологик жиҳатлари Д.Абдураззакова, Ф.Абдурахмонов, М.Бекмуратов, Б.Иминов, Э.Каримова, М.Меликова, А.Мирзахмедов, Р.Муртазаева, А.Мухтаров, А.Саидов, Г.Наврўзова, И.Саифназаров, Х.Хоназаров, З.Хусниддинов, Х.Юнусовалар, таълим жараёнининг турли босқичларида толерантликни тарбиялаш масалалари Ш.Агабаев, Б.Каримов, Ф.Қодирова, Г.Қушакова, Ф.Марданова, Р.Медетова, А.Рузиев, Д.Саматов, С.Самадова, Ю.Холиқов ва М.Якуббаев сингари олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида толерантликни шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари, талаба ёшларда толерантликни ривожлантириш муаммолари К.Алдашева, А.Асмолов, С.Аубакирова, Г.Бардиер, А.Бекетова, С.Бобоева, С.Братченко, Т.Габитов, Д.Дариябеков, Қ.Затов, В.Золтухин, О.Желнович, О.Исаева, З.Исмагилова, Н.Капустина, И.Каримова, Г.Коджаспиров, М.Конколь, В.Лекторский, К.Манликова, М.Маннанова, А.Нисанбаев, А.Погодина, Л.Почебут, Ф.Рахматуллаева, А.Реан, В.Тишков, Г.Солдатова, Н.Солинин, Ж.Сулайманкулова, Ф.Шарифзода, Х.Шомурадова, А.Юдина каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритиб берилган.

Хорижлик олимлардан Johannes Amos Comenius, Maria Montessori, Jean-Jacques Rousseau, Johann Heinrich Pestalozzi сингари қомусий педагогларнинг асарларида “толерантлик” тушунчаси илмий асосланиб, толерантликнинг

предмети, унинг субъектлари ва объектлари, унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб чиқилган; немис файласуфларидан Hans Guddigsberg, Jürgen Habermas, Immanuel Kant, Willheim Leibniz, John Locke, Martin Luther, Forst Rainer, Horst Schaub, Kenneth Wain, Karl Zenkelар инсонпарварлик тамойиллари ва турли мамлакатлар ва халқлар вакиллари ўртасидаги толерантлик муносабатлар ўрганилган, Gordon Allport, Viktor Frankl, S.Maddi Abraham Maslow, Karl Rogers, Michael Walzer сингари психолог-олимлар томонидан толерантлик муаммосининг инсонпарвар йўналишлари, диагностикаси ва коррекцияси ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Узлуксиз таълим тизимида III Ренессанс даврига мос ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш технологиясини такомиллаштириш” (2021–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларда толерантликни ривожлантириш муаммосини билингвистик ёндашув асосида таҳлил этиш орқали мазкур жараён тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

талабаларда толерантликни билингвал таълим муҳити шароитида ривожлантиришнинг педагогик мазмунини ёритиб бериш;

билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг дидактик моделини ишлаб чиқиш;

билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида талабаларда толерантликни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Гулистон давлат университети, Нукус давлат педагогика институти ва Чирчиқ давлат педагогика университетининг 432 нафар талабаси иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда педагогик кузатиш, сўровнома, тест, суҳбат, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, толерант хулқ-атвори баҳолашнинг махсус методикалари, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик тузилмаси ҳиссий-мотивацион ва эмпатик, когнитив-фаолиятли, хулқ-атворли-коммуникатив, рефлексив-баҳоловчи кичик тизимларнинг шахсий барқарорлик, эмпатия, плюрализм, ижтимоий фаоллик каби мезонлари билан “толерантлик чегараси” ўртасидаги корреляциянинг мувофиқлик

даражаси аҳамиятли эканлигини бевосита ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

биллингвал таълим муҳити шароитида талабаларда толерантликни ривожлантириш жараёнлари икки тил кодлари ёрдамида бағрикенглик, ишонч, самимийлик, сахийлик, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги, жамоавийлик, компромисс каби таянч умуминсоний қадриятларни ижтимоий-маданий вазиятларга йўналтирилган бадий биллингвизм билан маданиятлараро интеграцияси валидлигини ўқитиш мақсадлари билан идентивлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда толерантликни биллингвистик ёндашув асосида ривожлантириш моделининг амалий компоненти она тили (L1) ва иккинчи тилни (L2) ўзлаштиришнинг турли жиҳатларини (тинглаш, гапириш, ёзиш, ўқиш) ўзлаштириш бўйича концептуал таълимнинг (Concept learning) тарихий контекст (Т), мақсадли аудитория (М), муаллифнинг нуқтаи назари (М), матн муаллифининг мақсади (М) – 1Т3М педагогик формуласи асосида концепт-машғулоти ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг толерантлигини ривожлантиришнинг икки тилга доир матнларни қиёслаш, концепт ва реалия устида ишлашга доир топшириқлар тузиш, маданиятлараро мулоқотнинг самарали техникаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ лингводидактик шарт-шароитлари “толерантлик индекси”ни конструктивлик даражаси продуктивлигини аниқлаш асосида коммуникатив установакларни маданиятлараро мулоқот контекстига мақсадли йўналтириш мантиқига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардани иборат:

биллингвал таълим муҳити шароитида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг дидактик тизими ишлаб чиқилган;

“Немис тилин ўргениш бўйича методикалық қолланба” номли услубий қўлланма яратилган;

“Немисше-қарақалпақша сөйлесиш сөзлиги” ҳамда “Русша-англичанша-немисше-қарақалпақша ботаникалық терминлер сөзлиги” номли терминологик луғат ишлаб чиқилган;

талабаларда толерантликни биллингвистик ёндашув асосида ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-услубий жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, толерантликни бирламчи, оралик, якуний диагностикаси асосида хулосаларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биллингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг долзарб педагогик муаммо эканлигининг асосланганлиги, толерантликни ривожлантириш жараёни тузилмаси ва таркибий асосларига муайян ўзгартиришлар киритилганлиги, биллингвал таълим муҳити шароитида талабаларда толерантликни ривожлантиришга таъсир этувчи

омилларнинг аниқланганлиги, толерантликни ривожлантириш жараёнида хорижий тил ва она тили имкониятларини интеграциялаш мазмунининг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти билингвал таълим муҳити шароитида талабаларда толерантликни ривожлантириш жараёнларининг дидактик тизими, толерантликни билингвистик ёндашув асосида ривожлантириш моделининг амалий компоненти концептуал таълим технологияси асосида такомиллаштирилганлиги, хорижий тилни ўрганиш жараёнида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг самарали шакл, метод ва воситаларининг ишлаб чиқилганлиги, мазкур жараённи амалга оширишнинг дидактик шарт-шароитларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик тузилмаси ҳиссий-мотивацион ва эмпатик, когнитив-фаолиятли, хулқ-атворли-коммуникатив, рефлексив-баҳоловчи кичик тизимларнинг шахсий барқарорлик, эмпатия, плюрализм, ижтимоий фаоллик каби мезонлари билан “толерантлик чегараси” ўртасидаги корреляциянинг мувофиқлик даражаси аҳамиятли эканлигини бевосита ҳисобга олиш орқали аниқлаштириш, билингвал таълим муҳити шароитида талабаларда толерантликни ривожлантириш жараёнлари икки тил кодлари ёрдамида бағрикенглик, ишонч, самимийлик, саҳийлик, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги, жамоавийлик, компромисс каби таянч умуминсоний қадриятларни ижтимоий-маданий вазиятларга йўналтирилган бадиий билингвизм билан маданиятлараро интеграцияси валидлигини ўқитиш мақсадлари билан бир хиллигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан педагогика олий таълим муассасалари учун хорижий тилдан узвийлаштирилган Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 11 апрелдаги 01/11-02/02-465-сон маълумотномаси). Натижада, билингвизм ва толерантлик интеграцияси асосида талабаларда маданиятлараро компетентликни ривожлантириш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

талабаларда толерантликни билингвистик ёндашув асосида ривожлантириш моделининг амалий компоненти она тили (L1) ва иккинчи тилни (L2) ўзлаштиришнинг турли жиҳатларини (тинглаш, гапириш, ёзиш, ўқиш) ўзлаштириш бўйича концептуал таълимнинг (Concept learning) тарихий контекст (Т), мақсадли аудитория (М), муаллифнинг нуқтаи назари (М), матн муаллифининг мақсади (М) – 1Т3М педагогик формуласи асосида концепт-машғулоти ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан педагогика олий таълим муассасалари нофилологик факультетларининг бакалавр таълим йўналишлари 2-курс талабалари учун “DEUTSCH” номли ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 302-сон бўйруғи,

302-0419-рақамли гувоҳномаси). Натижада, билингвистик ёндашув асосида хорижий тилни ўқитиш жараёнида талабаларда толерантлик тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларнинг толерантлигини ривожлантиришнинг икки тилга доир матнларни қиёслаш, концепт ва реалия устида ишлашга доир топшириқлар тузиш, маданиятлараро мулоқотнинг самарали техникаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ лингводидактик шарт-шароитлари “толерантлик индекси”ни конструктивлик даражаси продуктивлигини аниқлаш асосида коммуникатив установакаларни маданиятлараро мулоқот контекстига мақсадли йўналтириш мантиқига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг А1-ХТ-0-92997 рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 7 октябрдаги 3850-сон маълумотномаси). Натижада, билингвистик таълим шароитида талабаларда рақамли компетенцияларни толерантликка устуворлик бериш асосида ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 155 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида жамиятнинг толерантлик сифатлари ривожланган шахсга бўлган ижтимоий буюртмаси, толерантлик тарбияси ижтимоий-педагогик муаммо эканлиги, талабаларда толерантликни

ривожлантириш моҳияти, тузилмаси, мезонлари ва кўрсаткичлари ёритиб берилган.

Замонавий дунёда кечаётган жараёнлар қарама-қарши йўналишда, яъни бир томондан ҳар бир давлат, халқ, ҳар бир инсон ўзлигини англаши, ўзига хослигидан келиб чиқиб, дунёда ўз ўрнини топишга, миллий ўзлигини сақлаб қолишга интилаётган бўлса, иккинчи томондан, дунё умуминсоний кадриятлар, маданиятлар мулоқоти орқали тушуниш йўллари излаб, бирдамлик сари қадам ташлашмоқда. Биргаликда глобал муаммоларнинг ечимини топиш, ўзаро тушунишга эришиш зарурати учинчи минг йиллик инсониятининг олдига юқори талабларни қўймоқда, шу жумладан, таълим-тарбия натижаси тинчлик маданияти, мулоқот қилиш, тушуниш ва бошқаларнинг қарашларини қабул қилиш қобилиятига эга фуқарони тарбиялашдан иборатдир.

Жаҳонда толерантлик тамойили умуминсоний кадриятлардан бири ҳисобланиб, унинг амал қилиши бутун инсониятнинг тинч ва барқарор яшашига хизмат қилади. Шунинг учун уни ривожлантириш халқаро ташкилотлар диққат марказида бўлиб келмоқда, 1995 йил 16 ноябрда Париж шаҳрида БМТ тизимида (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг йигирма саккизинчи сессиясида “Declaration of principles on tolerance” (“Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”) қабул қилиниб, шу даврдан бошлаб 16 ноябрни дунё миқёсида “Толерантлик куни” сифатида нишонлаш анъанага айланган.

Толерантликнинг турли таърифларини таҳлил қилиш баробарида биз ушбу тушунчага илмий феномен сифатида ўзимизнинг муаллифлик ёндашуви асосида қуйидагича таъриф бердик: **толерантлик** – бу шахснинг турли хил ижтимоий-маданий гуруҳлар вакиллари билан кадриятли муносабатига асосланган ҳамда когнитив, аффектив ва хулқ-атвор соҳаларининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи таркибий қисмларини ўз ичига қамраб оладиган ҳамда шахснинг фаол ҳаётий позициясида намоён бўладиган интеграцион сифатидир.

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, **толерантликнинг асосий хусусиятлари сифатида** қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1) дунёда турлича фикрлаш, сиёсий, диний, этник ва бошқа қарашларнинг хилма-хиллиги мақбул ва тенг мавжудлигини тан олиш;

2) бошқа шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан, бошқа шахснинг ўз эътиқодига бўлган ҳуқуқини, бошқача бўлиш ҳуқуқини фаол тан олиш;

3) бошқа инсонларнинг фикри, эътиқоди, хулқ-атворида ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

4) инсонларга ўз фикрларини очик айтишга имкон бериш;

5) бошқаларни тушуниш ва мулоқот жараёнига мослашиш;

6) турли-туман фикрлар, қизиқишлар, нуқтаи назарлар бўйича конформизмга аниқлиқ ва ишонтириш усуллари орқали эришишга интилиш;

7) бошқа шахс ёки гуруҳнинг фикри, эътиқоди, хулқ-атворидаги оғишишнинг олдини олиш учун куч ишлатишдан тийилиш;

8) бошқаларнинг кадр-қимматини ҳимоя қилиш, замонавий жамиятдаги плюрализм ва хилма-хилликни тан олиш;

9) ўзини-ўзини ривожлантиришга қодир шахснинг фаол ва ахлоқий позицияси.

Шу ўринда толерантлик, инсонларнинг бошқаларни тушуниши, идрок этиши ва чидамлик билан бошқаларни эшитиши чексизми ёки унинг чегаралари мавжудми? – деган савол туғилади. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, толерантлик – бу барча ҳодиса ва жараёнларга, айниқса, адолатсизликка ҳам чидаб туриш кераклигини англатмайди. Шунинг учун ҳам илм-фанда толерантликнинг ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий чегаралари белгилаб берилган. Толерантлик чегаралари ҳақида олимлар томонидан кўплаб фикрлар олға сурилган. “Толерантлик чегаралари” тушунчаси илмий феномен сифатида илк бор немис файласуфи Э.Моршернинг фалсафий концепциясида қўлланилган бўлиб, бугунги кунда ҳам “бардошлилик”, “тоқат қилиш” ва “чидаб бўлмаслик” сингари концептлар кенг қўлланилади.


Албатта, толерантлик – бу энг мураккаб, кўп қиррали ва **кўп компонентли** ривожланиш йўналишларига эга бўлган феномен ҳисобланади. Социолог олим Э.Г.Каримова “Толерантлик миллий тарбия билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланади. Чунки, миллий тарбия макондаги мавҳумликка барҳам беради ва шу билан бирга, миллий маданий жипсликни, бирликни таъминловчи этник, миллий маълумотларни синхрон ва диахрон шаклда авлоддан-авлодга ўтказди. Шундай қилиб, фақат шу миллатгагина алоқадар бўлмаган ўзига хос тарбиявий тизим ушбу миллатнинг бошқа миллатлардан фарқ қилишини, ички яхлитлигини, беназрлигини таъминлайди. Булар эса толерантликнинг таркибий жиҳатларидир”, деган фикрларни билдиради. Б.З.Вульф, Е.А.Стрельцова каби педагог олимлар толерантлик эмоционал-мотивацион, ҳулқ-атвор, инструментал, фаолиятли таркибий асосларини ажратиб кўрсатган бўлса, А.Богданова эса, ҳиссий-қадриятли, когнитив, ҳулқ-атворга доир ҳамда рефлексив-баҳоловчи компонентлардан ташкил топишини билдирган. Мазкур структур таснифларга таянган ҳолда индивидуал-психологик хусусият сифатида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг қуйидаги тизим ости элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ҳиссий-мотивацион ва эмпатик – инсонларнинг предмет ва ҳодисаларга нисбатан барқарор ҳиссий баҳолашда ифодаланадиган ҳис туйғуларини бирлаштиради (инсонларга ҳамдард бўлиш; инсонларга, бошқаларнинг фикрларига ҳамда этник муаммоларга эмоционал ва қадриятли муносабатлар тизими).

2. Когнитив-фаолиятли – инсонлар ўртасидаги фарқлар, тинч-тотув яшаш қонунлари ва нормаларини билиш; ўзаро таъсир ўтказишнинг самарали усулларига эга бўлиш; инсоннинг ички муносабати ва билимдонлиги, толерант ҳатти-ҳаракатларнинг намоён бўлиши.

3. Ҳулқ атвор ва коммуникатив фаоллик – ўз позициясини ифодалаш, турли нуқтаи-назарларни мувофиқлаштириш, мурасага келиш, мулоқотга киришишга асосланган толерант мулоқот; толерант ва конфликтсиз муносабатларни йўлга қўя олишнинг намоён бўлиши.

4. Рефлексив-баҳоловчи – жараёни тартибга солиш ва толерантликнинг намоён бўлишини тушуниш; ўзаро таъсир ўтказиш орқали кишиларнинг толерант хулқ-атворини таҳлил қилиш ва тушуниш асосида ўзининг шахсий тажрибасини кенгайтириш (1-расмга қаранг).



**1-расм. Талабаларда толерантликни ривожлантириш тузилмаси**

Шунингдек, қатор олимлар толерантликни аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари туғрисида ҳам фикрларини билдиришган. Масалан, С.Д.Щеколдина, О.А.Спицына ва О.А.Овсянниковаларнинг толерантликнинг мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлашга доир фикрларида ўзаро яқинликни кўриш мумкин. Булар ижтимоий фаоллик, хатти-ҳаракатларнинг ҳаракатчанлиги ва хилма-хиллиги, эмпатия, шахснинг барқарорлиги сингари жиҳатлар ҳисобланади. Тадқиқот доирасида турли соҳа олимларининг ғояларини қиёсий таҳлил этиш асосида талабаларда толерантликни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари мажмуи ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**Талабаларда толерантликни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Мезонлар	Кўрсаткичлар
Шахсий барқарорлик	Ҳиссий барқарорлик; хайрихоҳлик, хушмуомалалик, сабр-тоқат; ижтимоий жавобгарлик; мустақиллик; ижтимоий енгиллик;
Эмпатия	Хушмуомалалик; фаол мулоқотга киришиш, перцептив қобиялият
Плюрализм	Стереотиплар, нотўғри қарашларнинг йўқлиги; фикрнинг мослашувчанлиги; танқидий фикрлаш;
Хулқ-атворга доир	Хулқ-атворда кескинликнинг йўқлиги; ташвишланишнинг етишмаслиги; алоқа ўрнатиш, мулоқот қилиш, қийин вазиятдан чиқиш йўлини топиш қобилияти; хатти-ҳаракатларнинг автономияси; прогностицизм; динамизм;
Ижтимоий фаоллик	Ижтимоий ўзини ўзи англаш; ижтимоий мослашув; ижодкорлик; ижтимоий қувноқлик; ташаббус;

Талабаларда толерантликни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари ва мезонлари таҳлили хорижий тилларни ўрганиш жараёнида билингвистик ёндашув асосида мазкур жараёни алоҳида тадқиқ этиш зарурияти мавжудлиги ҳақидаги хулосага келиш имконини берди. Билингвизм ва толерантлик ходисаларининг педагогик жиҳатларини аниқлаштириш, нутқий толерантликни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш айниса, муҳим долзарблик касб этади.

Диссертациянинг **“Билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида билингвал таълим муҳити шароитида талабаларда толерантликни ривожлантириш мазмуни, талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик модели, билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантириш технологияси ёритиб берилган.

Жамият тараққитининг ҳозирги босқичида, дунёда кўплаб омиллар инсонни иккинчи (учинчи, тўртинчи) **хорижий тилни** ўрганишга ундайди. Тил тўсиғини енгиб ўтишнинг кўп усулларида энг мақбули йўли иккита табиий она тили ва иккинчи (хорижий) тилни ўзлаштиришдир. Икки тиллилик, яъни билингвизм айни пайтда жуда кенг тарқалган ходиса, чунки кўпчилик инсонлар кўп миллатли давлатларда яшайдилар, уларнинг аҳолиси икки ёки ундан ортиқ тилда гаплашади. Икки тилни билиш билингвизм деб аталиб, ушбу илмий феномен ҳам нафақат тилшунослар, балки психолог ва педагогларнинг ҳам тадқиқот объектига айланган муаммо ҳисобланади.

Тилшунослик луғатида икки тилли (лат. “bi” – “икки” ва “lingua” – тил), икки тиллилик (ингл. bilingualism, фр. bilingulisme, нем. Zweisprachigkeit) шахс ёки жамият бир вақтнинг ўзида икки тилни ишлатиши. Демак, икки тиллилик, яъни билингваллик – бу инсонларнинг камида икки тилда мулоқот қилишидир. Кўпинча, икки тилни билишдан ташқари, кўп тиллилик (мультилингвизм, полилингвизм) ҳам маввжуд. Бироқ, кўп тиллилик икки тилни билишдан келиб чиқиши мумкин, бошқача айтганда полилингвизм дейиш мумкин.

Жаҳон тажрибасида тилни ўрганишда билингвистик ёндашувга доир тажрибаларни учратиш мумкин. Икки тиллиликнинг педагогик томони мазкур жараённинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ амалий жиҳатларни ҳисобга олиш билан белгиланади. Терминологиянинг умумий концептуал демаркацияси (ингл. demarcation – чегаралари) қондаси асосида: она тили – бу бола одатда биринчи тил сифатида ўзлаштирган ва онаси ҳам гапирадиган тилдир. Биринчи тил, асосий тил ёки L1 атамаси кўпинча синоним сифатида ишлатилади; иккинчи тил L2 – биринчи тилдан ташқари иккинчи мулоқот воситаси сифатида ишлатиладиган ва бу тилда кундалик ҳаётда сўзлашадиган муҳитда ўзлаштирилган тил ҳисобланади.

Хорижий тил атамаси, аксинча, одатда фойдаланиш доирасидан ташқарида (одатда аудиторияда) ўрганиладиган ва кундалик мулоқот учун зарур бўлмаган тилни англатади. Икки тиллилик ёки билингвизм мулоқотда икки тилдан кундалик фойдаланишни англатади.

Психологик ва педагогик йўналишда бу ходиса ижтимоий-маданий компонентнинг ролини кучайтириш, ахборот майдонини ривожлантириш,

касбий қайта тайёрлаш доирасида **икки тилли таълимга бўлган эҳтиёжда** намоён бўлади. **Икки тилли таълим деганда**, ўқитувчи ва талабаларнинг она тили ва хорижий тиллар ёрдамида алоҳида фанларни ёки фан йўналишларини ўрганиш жараёнида ўзаро боғланган фаолияти тушунилади ва биринчи навбатда хорижий тилни юқори даражада билиш, фан-касбий, маданиятлараро ва тил компетенцияларини ўзлаштириш ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида билингвизм (икки тиллилик) – аҳолининг айрим гуруҳларининг икки тилда мулоқот қилиш қобилияти бўлиб, у қўйидаги мазмунда акс этиши аниқланди: субординатив – икки тиллилик, унда доминант тил (фикрлаш тили) мавжуд; мувофиқлаштирувчи – бу икки тиллилик, унда доминант тил йўқ. Шу билан бирга, икки тилли инсон гапирадиган тилда ўйлайди; билингвизм механизми – бу бир тилдан иккинчисига осонгина ўтиш бўлиб, у шаклланган алмаштириш қобилиятига асосланади; ўзгартириш қобилияти – бу нутқ бирликларини таржима қилиш учун бир тилдан иккинчи тилга ўтиш операцияларини бажариш қобилиятидир. Унинг ишлаши манба ва таржима тилларида нутқни эшитиш, эҳтимоллик башорат қилиш ва ўзини тута билиш малакаларига боғлиқ.

Педагогика илми икки тиллиликни таълим жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан ўрганади. У кўп маданиятли таълимнинг хусусиятларини очиб беради, хорижий тил орқали махсус билимлар оламини идрок этиш имкониятларини, икки тиллиликнинг умумий таълим даражасига таъсирини очириб беради.

Таълим икки тиллигида хорижий тилнинг ўқув жараёнидаги роли ва ўрни ўзгаради: у ўқув предметидан, ўрганиш объектидан янги билимларни олиш ва таълим олиш воситаларидан бирига айланди. Шунинг учун ҳам “таълим икки тиллилик” тушунчаси доирасида “икки тилли ўрганиш” ва “икки тилли таълим” атамалари пайдо бўлди.

Икки тилли таълим жараёнида талабалар дуч келадиган қийинчиликларни камайтириш учун ўз халқининг маданиятини аксиома сифатида қабул қилиб, нафақат ўз позициясини, балки ўзини Ўзбекистон вакили сифатида ҳам фаол кўрсатишлари керак. Чунки унинг маданияти ва тарихининг мазмун-моҳиятини англаш орқалигина бошқа мамлакатлар ва халқларнинг анъана ва урф-одатларини сингдира олиши мумкиндир.

Шу нуқтаи назардан, хорижий тилларни ўқитишнинг икки тилли шаклини ўзлаштиришда етакчи ўринни эгаллаш мумкин. Шу билан бирга, қўлланиладиган усулга алоҳида эътибор берилиши керак, бу, биринчидан, нутқ механизмларини ўзгартиришни, иккинчидан, бир тилдан иккинчи тилга ўтиш кўникмаларини шакллантириш, учинчидан, хотирани ўргатишни ўз ичига олиши керак.

Икки тилли таълим талабаларда турли фан йўналишлари бўйича маълумотлардан кенг фойдаланиш, индивидуал эҳтиёжларга мос равишда янги кўникмаларни эга бўлиш, узликсиз таълим олиш имкониятини таъминлайди. Иккинчи тилни ўқитиш жараёнида нафақат тилни ўрганиш амалга оширилади, балки у талабанинг пайдо бўлган илмий тафаккурини ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Икки тилли таълим туфайли талабалар икки тилдан фойдаланган ҳолда ўз фанлари бўйича билимларини кенгайтирадilar, бир

вақтнинг ўзида бир нечта тилларда ўқитиш мулоқот қобилиятларини, талабани янада ҳаракатчан, бағрикенг, мослашувчан ва эркин қилади, шунинг учун кўп қиррали ва ривожланган дунёда қийинчиликларга кўпроқ мослашади.

Тадқиқот жараёнида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик моделини **(2-расмга қаранг)** ишлаб чиқишда Н.М.Боритко томонидан асосланган замонавий таълимнинг онтологик ғоясига асосланган ҳолда билингвистик ёндашув асосида хорижий тилларни ўргатиш жараёни орқали амалга оширилди.

Талабаларда толерантликни ривожлантириш жараёнида қуйидаги вазифалар самарали ҳал этилди:


билингвистик ёндашув орқали талабаларда толерантлик ривожланишнинг ахборот асоси бўлган “Хорижий тил” фанининг ўқув материални танлаш ва тизимлаштириш;

хорижий тил амалий машғулотида педагог-талаба, талаба-талаба ўртасида ўзаро диалогик алоқасини таъминлаш, амалий машғулотида турли маданият, урф-одатлар ва тиллар учрашуви сифатида тушуниладиган ўзга ва миллий маданиятлар мулоқотини ташкил этиш, талабаларнинг муаммоларини ҳал қилишга ҳисса қўшиш (талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик шартлари);

хорижий тилни ўрганиш жараёнида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг тадқиқот усуллари, шаклларида фойдаланиш, талабаларнинг толерантлик компонентларининг намоён бўлишини талаб қиладиган вазиятларни, шунингдек, уларни ўз хатти-ҳаракатларини танлашга мажбур қиладиган низоли вазиятларни ҳал қилиш усуллари яратиш;

толерантлик компонентларида содир бўлаётган ўзгаришларни тушуниш ва тавсифлаш учун хорижий тил амалий машғулотида кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этиш.

Талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик модели ўзида қуйидаги муҳим жиҳатларни акс эттирди: ўқитувчида фаол педагогик толерантликнинг мавжудлиги; ўқув гуруҳида шахслараро мулоқотда толерантликни ривожлантиришни амалга ошириш; таълим гуруҳининг кадриятлари тизимида толерантликни мақсадли педагогик қўллаб-қувватлашни амалга ошириш; фаол ўқитиш усулларида ўзгарувчан фойдаланиш; толерантликни ривожлантириш жараёнида изчиллик ва узлуксизликни таъминлаш; тили ўрганилаётган мамлакат маданияти элементларини мустақил танлаш ва ўзлаштириш ҳолатларини яратиш, унинг миллий маданият доирасида бошқа одамлар билан мулоқотни ташкил этиш; талабаларнинг кадр-қимматини ўз-ўзини баҳолаш ҳолатларини яратиш, коммуникатив хатти-ҳаракатлар усуллари, мулоқот ҳамкорларига бўлган муносабат (вазиятларга мисоллар: конструктив ва бузғунчи тўқнашув, низоли вазиятларда муросага келиш, низоларни ҳал қилиш усуллари); муросага келиш ва муаммоларни ҳал қилиш; муаммоларни ҳал қилишда қарор қабул қилиш босқичлари: муаммони ташхислаш, муқобилларни аниқлаш, муқобилларни таҳлил қилиш, муқобил танлаш, ечимни амалга ошириш, фикр билдириш, натижаларни баҳолаш; ўзга маданиятни тушуниш асосида ўзлаштиришни таъминлаш.



2-расм. Билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик модели

Билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришда мунозара, ўйин усуллари, муаммоли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, кейс ва танқидий фикрлаш технологияларидан самарали фойдаланилди. Бу технологияларни лойиҳалашда муаммоли-изланиш ва имитацион-ролли методлардан самарали фойдаланилди. Шунингдек, моделни амалиётга жорий этиш мақсадида концептуал таълимнинг (Concept learning) тарихий контекст (Т), мақсадли аудитория (М), муаллифнинг нуқтаи назари (М), матн муаллифининг мақсади (М) – 1Т3М педагогик формуласи асосида концепт-машғулот ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Талабаларда толерантликни ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш мазмуни ва методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишларида Нукус давлат педагогика институти, Чирчиқ давлат педагогика университети ва Гулистон давлат университетларининг 432 нафар (214 нафари назорат, 218 нафари тажриба гуруҳларида) талабаси иштирок этди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: (1) *аниқлаштирувчи* (диагностик методикалар асосида толерантликни шаклландирилганининг мавжуд ҳолатини аниқлаш), (2) *шакллантирувчи* (хорижий тил амалий машғулотлари жараёнида (60111504) она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши талабаларида хорижий (немис) тил дарсида билингвистик ёндашув асосида толерантликни ривожлантириш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият), (3) *қайд этувчи* (тажриба ва назорат гуруҳлари натижаларини қиёсий таҳлил қилиш, натижаларни статистик таҳлил этиш ва хулоса чиқариш).

Тадқиқотни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган модел орқали билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш жараёни самарадорлигини аниқлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва диагностик воситалари аниқлаштирилди (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни ривожлантириш самарадорлигини аниқлашнинг диагностик тизими

Мезонлари	Кўрсаткичлари	Диагностик воситалари
Ҳиссий-мотивацион ва эмпатик компонент	Мавжуд хилма-хилликни ва унда зиддиятсиз бирга яшашнинг қийматини объектив тушуниш; бошқаларнинг ҳамдардлиги, ҳамдардлиги ва ҳиссий гидрокида акс этадиган бошқа одамларнинг ҳолатини тушуниш	Эмпатик қобилиятлар диагностикаси, миллатлараро толерантликни аниқлаш тести, ҳаётий вазиятлар билан ишлаш
Когнитив – фаолиятли компонент	Кишилар ўртасидаги фарқлар, тинч-тотув яшаш қонунлари ва нормаларини билиш; ўзаро таъсир ўтказишнинг самарали усулларига эга бўлиш;	Толерантликнинг когнитив компонентини ўрганишнинг контент-таҳлили, анкета- сўровнома, ҳаётий вазиятлар билан ишлаш
Хулқ-атвор ва коммуникатив фаоллик компоненти	Ўз позициясини ифодалаш, турли позицияларни мувофиқлаштириш, муросага келиш, мулоқотга киришишга асосланган толерант мулоқот ва ўзаро таъсир амалиётини жорий этиш;	Толерантликнинг хулқ-атвор компоненти бўйича анкета-сўровнома, муносабатларни аниқлаш тести, “Толерантлик индекси”

Рефлексив-баҳоловчи компоненти	Турфа хил маданиятларнинг бағрикенглик тажрибаси билан ўзаро таъсир ўтказиш ва уларнинг толерант хулқ-атворини таҳлил қилиш ва тушуниш асосида ўз тажрибасини кенгайтириш.	Амалга оширилган фаолиятнинг рефлексли таҳлили уни амалга оширишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга, шунингдек, олинган тажрибани умумлаштириш ва бошқа вазиятларга ўтказишга ёрдам беради.
--------------------------------	--	--

